

Туркияда Қуръони карим қориларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди



10:00 / 26.06.2019 2480

Туркиянинг Сафранболу шаҳридаги марказий масжидда шаҳардаги қорилар тайёрлаш мактабининг 27 нафар битирувчисини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди, деб хабар бермоқда Турк-пресс ахборот сайти. Бир неча йиллик машаққатли меҳнатдан сўнг, талабалар Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, ҳамма жузини ёддан ўқиб берганлар. Қориликни тўлиқ адо қила олмаган талабалар эса кейинги йилга қолдирилган. Тадбирда шаҳар мери, Туркия Диёнат ишлари бошқармаси масъул ходимлари иштирок этган.

Islom.uz портали таҳририяти